



КОРХОНАЛАРДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР МАНЗИЛЛИ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 сентябрь куни техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология тизимидаги ислохотлар натижадорлиги муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Маҳсулотлар сифати ва рақобатдошлигини ошириш учун миллий стандартларни жаҳон талабларига мослаштириш ҳамда корхоналарга жорий қилиш жуда муҳим ҳисобланади. Сўнги йилларда мамлакатимизда стандартларнинг 43 фоизи халқаро меъёрлар билан уйғунлаштирилиб, уларнинг сони 12 мингга етказилди. Бундай ишлар натижасида экспорт имкониятлари кенгаймоқда.

Мисол учун, 21 та корхонада тўқимачилик ва трикотаж товарларига Европанинг «ОЕКО-Тех» ва «Sedex» стандартлари жорий қилинди. Жумладан, Андижондаги «Samo Textile» Европа бозорларига 5 миллион долларлик маҳсулот билан чиқди. Бухородаги «Bukhara Cotton Textile» МЧЖ ҳам АҚШ, Германия, Буюк Британия ва Туркияга 5 миллион долларлик экспорт қилди.

Шунингдек, маиший техника, кабелъ, тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда 17 турдаги маҳсулот хавфсизлигини тасдиқловчи машҳур «СЕ» маркировкаси жорий этилгани натижасида Европанинг 8 та давлатига экспорт бошланди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Йил охиригача озиқ-овқат, металлургия, енгил sanoat буйича 14 та лаборатория модернизацияси аяқланади.

Йиғилишда шу пайтгача бажарилган ишлар натижадорлиги таҳлил қилиниб, галдаги муҳим масалалар кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари «Ўзстандарт» агентлигини миллий орган мақомига олиб чиқиш, корхоналарда янги стандартларни манзилли жорий қилиш асосий вазифа эканини таъкидлади.

– Миллий стандарт «овози жаранглаши»га эришишимиз керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Келгуси йил якунига қадар халқаро стандартлар сонини 14 мингга, уйғунлик даражасини 50 фоизга етказиш вазифаси белгиланди.

Мутасадди вазирилик ва уюмларга тўқимачилик корхоналарида «ОЕКО-Тех» меъёри, электр техникаси тармоғида «СЕ» маркировкаси ҳамда қишлоқ хўжалигида «Global G.A.P.» ва «Organic» тизимларини қўллашни кенгайтириш буйича топшириқлар берилди. Халқаро стандартларни татбиқ қилаётган корхоналарга кўмаклашиб, бунга кетадиган харажатнинг бир қисmini Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб бериш муҳимлиги таъкидланди.

– Агар маҳсулот халқаро сертификатга эга бўлмаса, у ҳеч

қачон рақобатбардош бўла олмайди. Мамлакатда ҳар бир тадбиркор стандартни билиши, таниши керак, шундай муҳит яратиш зарур, – дея таъкидлади Президент.

«Ўзстандарт» агентлигига автомобиль компонентлари, кимё, озиқ-овқат, қурилиш материаллари тармоқларида халқаро стандартларни жорий этиш буйича 2021 йилга мўлжалланган «йўл хариталари» ишлаб чиқиш топширилди.

Дунёда завод ва фабрикалар ўз маҳсулотларини бозор талаблари асосида такомиллаштириб боради. Шу тажрибадан келиб чиқиб, ишлаб чиқарувчилар имкониятини чеклаётган меъёрларни ихтиёрийга ўтказиш кераклиги қайд этилди.

5 мингдан зиёд эски стандартларни бекор қилиш, маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш техник регламентларини Европа ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи талабларига мослаштириш буйича курсатмалар берилди. Шу билан бирга, сифатсиз импорт товарлар кириб келишининг олдини олиш мақсадида хавфсизлик талаблари сони ва қамрови оширилди.

Йиғилишда Президент «Ўзстандарт» агентлигининг халқаро стандартлаш ва метрология таъкидлашидаги иштирокини фаоллаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Мазкур агентликка Европа иқтисодий комиссияси техник кўмитаси билан қурилган мевалар буйича келишувга эришиш, келгуси йилда Халқаро аккредитация форумига тўлақонли аъзо бўлиш вазифаси қўйилди.

Соҳага доир илм-фан ва таълимни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Келгуси йилдан Тошкент давлат кўмитаси билан қурилган мевалар буйича келишувга эришиш, Кимё-технология институтини билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари генетикаси, Тўқимачилик институти билан синтетик толалар, Илғор технологиялар маркази билан ҳамкорликда биологик фаол қўшимчалар йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳимлиги айтилди.

Шунингдек, Ўзбекистон миллий метрология институтида қурилиш материаллари, сув тежовчи ҳамда ахборот технологиялари буйича кафедралар ташкил этилиши белгиланди. Инновацион ривожланиш вазирилик илмий ишланмаларга грантлар ажратади.

Йиғилишда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар юзасидан тақдимот ўтказилди.

Ў.А.



Қардошлик алоқаларининг ёрқин саҳифаси

Ўзбекистон ва Тожикистон давлатларини қўшничиликнинг кўп асрлик аънаналари бирлаштириб туради. Бу эса икки давлат ўртасидаги муносабатлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Сўнги йилларда икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг мутлақо янги сифати намойён бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳамкорликнинг янги саҳифаси икки давлат халқлари манфаатлари йўлидаги янги марраларни кўзламоқда. Янги саҳифа икки давлат ўртасидаги барча соҳалар сингаги гуманитар соҳани, хусусан, таълим йўналишини ҳам қамраб олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида икки томонли ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3596-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида келажакдаги кўп режали ҳамкорликни янада кенгайтириш буйича амалий чора-тадбирлар режаси» (Йўл харитаси), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Мақамасининг 2018 йил 14 июлдаги 570-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, Ўзбекистон томони Тожикистон Республикасининг Сўғд вилоятидаги Спитамен тумани ҳудудида 630 ўқувчи ўринга мўлжалланган умумтаълим мактаби бинолари комплексини қуриш ва ўқув даргоҳини зарур ўқув қуроллари билан жиҳозлаб бериши белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Мақамасининг фармойишига кўра, умумтаълим мактабини лойиҳалаштириш, қуриш ва жиҳозлаш буйича «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бош бурюртмачи, «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК бош лойиҳачи, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ таркибий бўлиналари ва «Малахит Плюс» МЧЖ бош пудратчи этиб тайинланганди.

«Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК мактабнинг асосий ўқув бино ва ёрдамчи иншоотларини жойлаштириш буйича бош режа ва ишчи лойиҳасини ишлаб чиқди. Унга кўра мактабнинг бино ва иншоотлар комплекси 2,1 гектар майдонда жойлашиб, 3 та блокдан иборат бўлиши кўзда тутилди. Комплекснинг биринчи блоки 3 қаватдан иборат бўлиб, биринчи қаватда биология, химия, физика, астрономия ва чизмачилик фанлари буйича синфлар ва лабораториялар, металл ва ёғочга ишлов бериш, уй-рўзгор ишлари, пазандачилик, қўл ҳунари ва чеварчилик санъати буйича меҳнат кўникмаларини ўргатишга ихтисослаштирилган кабинетлар, иккинчи қаватда бошланғич синфлар, ўқув кўни узайтирилган гуруҳларга мўлжалланган махсус кабинетлар, мактаб маъмурияти ва бошқа хизмат кўрсатувчи хоналар, учинчи қаватда эса ўқув ва компьютер синфлари, она тили ва адабиёт, инглиз тили, математика, география кабинетлари жойлашган.

Комплекснинг бошқа блокларидан жойлашган 2 та бинода эса спорт зали ва унга тегишли турли хоналар, 224 ўринли овқатланиш зали, буфет ва ёрдамчи хоналар, 278 ўринли мажлислар зали, техник марказ, кутубхона ва бошқа хоналар жойлашган бўлиб, ўқувчилар билим олишлари, бадантарбия ва спорт билан шугулланишлари учун барча шароитлар яратилган.

Мактаб ҳудудида ўқув даргоҳини ичимлик суви билан таъминлаш учун қурилган 180 метр қудуқ қазилиб, сув тортувчи насослар ўрнатилди, электр трансформатор биноси, иситиш қозонхонаси, ичимлик сувини сақлаш, ёнғинга қарши ҳавзалар ва

автотурароҳ, югуриш йўлакларига эга очик стадион ҳамда спорт майдончаси барпо этилди.

Лойиҳага мувофиқ, комплекс блокларидан электр, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, иситиш ва ҳаво алмаштириш тизимлари тўлиқ ўрнатилиб, ўқув синфлари, махсус кабинетлар, устакхоналар, лабораториялар, спорт зали, мажлислар зали, ошхона ва бошқа барча кабинетлар зарур меъбель, асбоб-ускуналар, компьютер воситалари, ўқув ва лаборатория ускуналари билан тўлиқ жиҳозланди. Мактаб ва мактаб олди ҳудудларида йўл ва йўлакчалар асфальт ҳамда брусчатка плиткалари билан қоплашиб, бордюрлар ва ирригация лотоклари, ёритиш ва суғориш тизимлари ўрнатилди, арча, мевали дараклар ва гул буталари экилиб, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди.

Куни кеча мазкур мактабнинг очилиш маросимида Тожикистон Республикаси таълим ва фан вазири Маҳмудюсуф Имомзода ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов ҳамда мамлакатимиз делегацияси иштирок этишди.

Икки томонлама келишувларга кўра, Спитамендаги мактабдан ташқари, ўзбек томони Хатлон вилоятининг Қубодён туманида 200 ўринли шифохона қураётган бўлса, ўз навбатида тожикистонлик дўстларимиз Самарқанд шаҳрида 640 ўқувчи мўлжалланган мактаб ва Фарғона вилоятининг Риштон туманида мактабгача таълим муассасаси қурилишини амалга оширишди.

Бу каби ҳамкорлик алоқалар орқали бунёд этилаётган ўқув масканлари эртаимиз эгалари бўлган ёшларнинг маънави ва жисмонан соғлом, билимли бўлиб вояга етишида катта замин яратишга қўлмай, икки томонлама алоқаларда очилган янги саҳифаларни янада ёрқин ва тарихий лаҳзалар билан тўлдирди.

Ўз мухбиримиз.

Истиқболли лойиҳалар тақдимоти

Юртимизда бунёдкорлик авжида. Қаёққа қарамайлик, осмонлар бино-иншоотлар, ижтимоий ва турли соҳа объектлари қад кўтарётганини кўрамиз. Бугунги замонавий биноларнинг мустаҳкамлиги эса ўз-ўзидан унда ишлатилаётган қурилиш материалларининг сифатига тўғридан-тўғри боғлиқдир.



Батафсил 2-саҳифада.

CITY NET
INTERNET PROVIDER

+998 95 420 11 11
+998 71 202 11 11

Замонавий лойиҳалар ва илғор технологиялар

«CityNet» ахборот ва инновацион технологиялар саноатида Ўзбекистондаги етакчи компаниялардан бири бўлиб, кенг қўлама маҳсулот ва хизматларни тақдим этади, жумладан:

- Интеллектуал видео кузатув;
- IP ва аналог телефония;
- Хавфсизлик ва ёнғин сигнализацияси;
- Ёнғин хавфсизлик тизимлари;
- Киришни назорат қилиш ва бошқариш тизимлари;
- Интернет-провайдер;
- Автотурароҳ тизимлари;
- Биноларни ёнғинга қарши қурилмалар билан таъминлаш;
- Овозли хабар ва эвакуация тизимини бошқариш;
- Кам қувватли тизимларни махсус қурилмалар билан таъминлаш;
- Қўнғирокларни қайта ишлаш маркази;
- Мухандислик тизимларини автоматизациялаш;
- Кабел тармоқлари тизимлари (ОТАЛ, МХТ ва телефония);
- Конференц алоқа тизимлари;
- Паст оқимли тизимларни лойиҳалаш.

«CityNet» нинг асосий устуворлиги — бу лойиҳалаш ва уни реализациялашгача бўлган барча хизматларни тақдим этишдир. «CityNet» тақдим этаётган маҳсулотларни сотиб олиш билан бирга, техникаларни ўрнатиш ва ишга тушириш хизматларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Компаниянинг мутахассислари лойиҳалаш ва уни амалга ошириш жараёнини, мижозларнинг хоҳиш истакларини ҳисобга олган ҳолда юқори сифат ва тезликда бажариб, бурюртмани етказиб бериш билан бирга махсус сертификатларни талаб қиладиган энг мураккаб тизимларни ҳам тез ва самарали ўрнатадилар.

Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2А.

Реклама

«Ангрен» кўмир кони маҳсулотларига талаб ортмоқда

Кўмир қазиб олиш саноати мамлакатимизни қаттиқ ёқилғи билан таъминлашда муҳим ўрин тутди. Ҳозир кўмирга бўлган талабнинг муттасил ошиб бораётгани тизимдаги корхоналар зиммасига янги вазибалар юкламоқда. Шу туфайли кўмир брикети ишлаб чиқариш, аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларига кўмир маҳсулотларини етказиб бериш тизими тартибга солинди.

Хусусан, 2020-2021 йиллар куз-қиш даврида аҳоли ва бюджет ташкилотларини кўмир билан доимий равишда таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур жараёнларнинг амалдаги ҳолати қандай кечаётганини кузатиш мақсадида «Ўзбеккўмир» АЖ раҳбарияти ва Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун Ангрен шаҳрига медиа-тур ташкил этилди.

Дастлаб мутахассислар томонидан «Ўзбеккўмир» АЖнинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва режалари хусусида атрофдаги маълумот берилди. Жамият корхоналарида бугунги кунда олти мингдан ортиқ ходим ишлайди, улардан минг нафар асосий ишлаб чиқариш жараёнида қатнашади. Айниқса, «Ангрен» кўмир кони Марказий Осиёдаги энг йирик конлардан бири бўлиб, бу ерда қазиб олинаётган кўмир республикамиз иқтисодий тармоқлари, бюджет ташкилотлари ҳамда аҳоли эҳтиёжлари учун етказиб берилди.

Медиа-тур иштирокчилари кончаларнинг заҳматли меҳнат фаолияти билан яқиндан танишди. Акциядорлик жамияти фаолияти Ангрен кўмир ҳавзаси ҳудудида амалга оширилади. Ушбу ишлаб чиқариш ҳудудида «Ангрен», «Апартак» очик кўмир конлари ҳамда шахта усулида кўмир қазиб олиш кони жойлашган. «Ангрен» кўмир кони асосий ишлаб чиқариш майдони ҳисобланади.

– Ҳозир конда қазиб олиш жараёни 250 метр чуқурликда олиб борилмоқда, – дейди «Ангрен» кўмир кони бош энергетиги Фаррух Отажонов. – Бунинг учун барча зарур техникалар жалб этилган. Махсус экскаваторлар электр токи орқали ишлайди. Кўмир конида иш тўхтовсиз давом этади. Ишчиларимизга бунинг учун барча шароит яратилган, техник хавфсизлик мутахассислар томонидан назоратга олинган.

Жумладан, Ангрен ва Янги-Ангрен иссиқлик электр станциялари асосий истеъмолчилардир. Ангрен кўмири бюджет ташкилотлари ва аҳоли эҳтиёжлари учун, шунингдек, биржа орқали тадбиркорлик тузилмаларига ҳам етказиб берилмоқда. Президентимиз раислигида жорий йил 18 сентябрь кунини ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу йил куз-қиш мавсуми учун кўмир маҳсулотларини

ни ҳамлаш ва етказиб бериш бўйича чора-тадбирлар белгилангани алоҳида таъкидланди. Бу бежизга эмас, албатта. Ҳозирги пандемия шароитида бу чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

– Айни пайтда кўмир конларида иш қизғин, – дейди «Ўзбеккўмир» АЖ директорининг ўринбосари Александр Корчагин. – Ушбу мақсадлар амалга ошириш учун саъй-ҳаракатлар жадал олиб бориляпти. Республикаимизнинг бюджет ташкилотлари учун жорий йилнинг 1 ноябригача 405,4 минг тонна, аҳоли эҳтиёжлари учун 1 декабргача 600 минг тонна кўмир етказиб бериш режалаштирилган.

«Ангрен» ва «Апартак» очик конларида қазиб олинган кўмир фақат республика эҳтиёжлари учун ишлатилади. Келажакда корхонанинг вазибалари қаторига кўмир қазиб олиш ҳажмини ошириш, сифатини яхшилаш ва маҳсулот таннархини пасайтириш киради.

Ҳозирги кунда «Ўзбеккўмир» АЖ раҳбарияти йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда. Медиа-тур давомида мутахассислар «Ангрен» очик конини ривожлантиришга катта сармоялар киритилаётганини тўғрисида гапириб берди. Ушбу маблагларга махсус ускуналар, жумладан, циклики оқим технологиялари ва йирик «БелАЗ» самосваллари сотиб олинади.

Тадбир давомида журналистлар кўмир қатламини очиш ва қазиб олиш, саралаш жараёнлари билан яқиндан танишди.

А. МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.



Истиқболли лойиҳалар тақдимоти



(Давоми. Боши 1-бетда)

ни давлат шартномавий хизматлари орқали истеъмолчиларга етказиб бериш ҳам кўзда тутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жамиятда иш самарадорлиги юқори бўлган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, бу ерда темир-бетон таянчлар ишлаб чиқариш, мавжуд қувватларни ошириш, бундан ташқари металл қурилмалар ва СИП арматуралари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, йиллар давомида бу борадаги муаммоларга чек қўйилишига хизмат қилади.

– Фақат Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариладиган СИП арматураларига эҳтиёж ва буюртма кўп бўлгани сабабли режадаги вазибаларни бажаришда қатор муаммолар мавжуд эди. Янги цех ишга тушган, СИП симларни темир-бетон таянчларга маҳкамлаш учун зарур бўладиган турли хилдаги арматураларга талабимиз тўлиқ қондирилиши бора-бора, жамиятга катта иқтисодий фойда ҳам келтирмоқда, – дейди корхонанинг иқтисод ва истиқболлаш бўлими бошлиғи Икромжон Мадумаров.

Тақдимот маросимида сўз олган «Фаргона ҲЭТК» АЖ раҳбари Д. Жалилов истиқболли лойиҳаларнинг яқин келажакдаги самараси, экспорт салоҳияти, шу билан бир қаторда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган полимер изоляторлар ва металл анкер таянчлари ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳақида йиғилганларга батафсил гапириб берди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу маҳсулотларнинг ҳам маҳаллийлаштирилиши корхонага йиллик жами 20 миллиардга яқин фойда келтириб, қўшимча иш жойлари, айниқса ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш имконини кенгайтиради.

Дилфуза ҲАБИБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Кадастр соҳасида интеграция жараёнлари

Маълумки, бугунги кунда барча соҳалар каби кадастр тизимини ҳам рақамлаштириш жараёнларига катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида фуқароларнинг вақти ва маблағининг тежалишига имкон бериш баробарида, уларнинг ер масаласида идорама-идора сарсон бўлиб юришларининг олди олинишига эришилмоқда.

Соҳадаги муҳим янгиликлар хусусида Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан «Рақамлаштирилаётган кадастр соҳасида интеграция жараёнлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси масъуллари бу борада олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

– Ахборот тизимларини ўзаро маълум бир мақсад учун боғлаш жараёни интеграциядир, – деди Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси шўъба бошлиғи Беҳзод Тошўжаев. – Интеграциядан мақсад эса электрон тарзда жамий ва юридик шахслар номидаги кўчмас мулк объектларини аниқлаш, зарур ҳолларда кўчмас мулкка таққ қўйиш ва таққларни ечишни амалга оширишдан иборатдир. Кадастр ахборот тизими 10 дан ортиқ манфаатдор вазирилклар билан интеграция қилинган. Коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида COVID-19га қарши курашиш штаби ташкил этилган бўлиб, унга корхонанинг маълумотлар базасидан сўров орқали объектларнинг геофазовий маълумотлари ва манзиллари тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилиши йўлга қўйилган.

Умуман олганда, интеграция фуқароларга кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва кадастр паспортларини шакллантиришда замонавий усуллардан фойдаланиш имкониятини беради. Ушбу тизим орқали ҳозирга қадар 313 мингта ахборотлар амалшунуви амалга оширилган. Кўчмас мулк ахборот тизимини 10 та ахборот тизимлари билан интеграция қилиш сабабли, ўтган ойлarda 5 678 минг ахборот алмашинуви амалга оширилган.

Матбуот анжуманида интеграция натижасида биринчи ўринда фуқароларимизнинг вақти тежалиб, кадастр ходимлари томонидан таъмагирик ҳолатларининг олди олиниши, яъни кадастр ходимларнинг тўғридан-тўғри фуқаро билан мулоқот қилиш ҳолатлари бартараф этилиши қайд этилди. Шунингдек, айни пайтда агентлик томонидан яратилаётган геопортал ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Рақамли Тошкент» лойиҳаси доирасида идоралар ахборот тизимларини интеграция қилиш ишлари амалга оширилаётгани таъкидланди.

Тадбир якунида ОАВ ходимларининг мавзуга доир саволларига мутасаддилар атрофича жавоб қайтардиши.

Наргиза МИРЁҚУБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Қисқа сатрларда

Президентимизнинг 2019 йил 26 ноябрдаги қарорига мувофиқ «Замонавий мактаб» талаблари асосида Юқори Чирчиқ туманидаги 3-умумтаълим мактабига мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда бу ерда пардозлаш ишлари амалга оширилляпти. Ўқув маскани жорий йилнинг октябрида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Қибрайда оилавий МТТ ўз фаолиятини бошлади. Ёнариқ маҳалласида давлат-хусусий шерикчилик асосида оилавий боғча ташкил этилди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ҳозирги кунда туманда ана шундай боғчалар сони 13 тага етди.

Чиноз туманидаги «Эшонобод» МФИда 3 200 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуд аҳолисига қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда тезкор, шаффоф ва юқори сифатли давлат хизматлари кўрсатиш мақсадида Давлат хизматлари маркази шохобчаси ўз фаолиятини бошлади. Юртимизнинг қурувчилари томонидан барпо этилган мазкур объект зарур мебель, замонавий техника ва жиҳозлар билан таъминланган.

«Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки» акциядорлик жамиятининг Тошкент вилояти бўлими Янгийул филиали маъмурий биноси таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Банк филиали вилоятнинг Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Зангиота, Тошкент ва Янгийул туманларига хизмат кўрсатади. Зангиота туманида эса яна 1 та мини-банк аҳолига сифатли хизматларини тақдим этмоқда.

Чиноз шахрининг Шароф Рашидов кўчасида замонавий кўп қаватли уйнинг қурилиши бошланди. «Эркин қурилиш барака» хусусий корхонаси томонидан бунёд этиладиган «Орзу» уй-жой мажмуаси 2021 йилда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган.

Наманганда «Халқсевар – Ватансевар» савдо мажмуаси очилиш маросими бўлиб ўтди. Мажмуани барпо этишга «Шарқ саноати» концерни томонидан 2 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 25 та янги иш ўрни яратилди. Бугунги кунда ушбу мажмуада 1000 дан ортиқ турдаги кийим-кечаклар ҳамда бошқа хилдаги тўқимачилик маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилган. Маҳсулотларни аҳолига манзур бўладиган нарх-навода савдо қилувчи мажмуаларнинг кўпайиши биринчи галда ҳамюртларимиз манфаатига хизмат қилади.

ЎЗ мухбиримиз.

Олот гўзал ва обод манзилга айланади

Бухоро вилоятининг Олот туманида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу маскан яқин келажакда янги қиёфада намоеён бўлади. Боиси, бу ерда улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Жумладан, йўллар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, маданият – спорт мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилиши, ички инфратузилмани яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, айниқса, уй жойларни тез ва сифатли қуриш ишлар давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Олот туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ҳамда ижтимоий соҳа объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш орқали аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадидаги эзгу ишлар ҳудуднинг янги қиёфасига сабаб бўлиши шубҳасиз.

Аҳолининг яшаш тарзини яхшилаш мақсадида Вазирилк Маҳкамаси 2020 йил 21 сентябрда «2020-2022 йилларда Бухоро вилоятининг Олот туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни тасдиқлади. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида мутасадди ташкилотлар томонидан белгиланган ишлар олиб борилмоқда. Унга кўра, 2020-2022 йилларда умумий қиймати 2 триллион 711 миллиард сўмлик 155 та лойиҳа амалга оширилади. Жумладан, 801,8 миллиард сўмлик 71 та инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш натижасида 1 342 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Саноат соҳасида қиймати 587,1 миллиард сўм бўлган 22 та

лойиҳани ишга тушириш орқали 699 та иш ўрни ташкил этилса, хизмат кўрсатиш соҳасида, 81,2 миллиард сўм бўлган 24 та лойиҳани бажариб, 274 нафар ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида 133,4 миллиард сўм бўлган 25 та лойиҳа рўёби орқали 369 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланиши режалаштирилган.

– Мазкур вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, – дейди Олот тумани ҳокими Наргиза Нетьматова. – Инвестиция лойиҳалари, тижорат банклари томонидан дастурга киритилган лойиҳаларга кредит маблағларини ажратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Инфратузилма бўйича рижалаштирилган барча ишлар изчил давом эттирилмоқда. Қарорга мувофиқ, тумандаги яшаш шароити оғир бўлган оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида ҳокимликнинг бўш турган ётоқхонаси 60 та хонадонга мўлжалланган турар жойга мослаштириб, реконструкция қилинмоқда. Аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга замонавий шовилчин тез тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида туман марказида 2 та 4 қаватли тиббиёт клиникаси қурилади.

Бир сўз билан айтганда, 99 минг аҳоли яшайдиган Олот тумани ҳам яқин орада гўзал ва обод манзилга айланиши шубҳасиз.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Йўлсозликда яна бир лойиҳа

Мамлакатимизда халқаро талабларга жавоб берадиган миллий автомагистраль барпо этиш, уни дунё йўлларига туташтириш, автотрассалар бўйида замонавий инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, «Ғузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу» халқаро автомобиль йўлининг қурилиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада ҳудудда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, А-380 йўлининг Бухоро вилояти ҳудудидан ўтган 228-315 км қисмини қайта қуриш ишлари бўйича халқаро тендер савдолари ўтказилиб, унда қатнашган Хитой Халқ Республикасининг «China Railway 20 Bureau Group Corporation» компанияси объектнинг цементбетон қопламасини қуриш ишларига бош пудратчи этиб белгиланган. Объектнинг тупроқ кўтармаси ва асосларини қуриш ишларига маҳаллий пудратчилар ҳам қатнашиши кўзда тутилган.

Бухоро вилояти ҳокимлиги, мутасадди ташкилот масъуллари иштирокчида ўтказилган учрашувда Хитой компаниясининг Ўзбекистондаги раҳбари Фанг Ли Мен лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ жараённинг бо-



риши ҳақида маълумот берди. Қайд этилишича, 100 млн АҚШ долларига тенг мазкур лойиҳа Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилди. Қурилиш ишлари уч йилда тўлиқ амалга оширилади. Хитой компанияси вакиллари лойиҳани бажариш имкониятларини ўрганиб чиқишган. Уларнинг таъкидлашича, хорижлик йўлсозлар ўзбекистонлик мутахассислар ва маҳаллий пудратчиларнинг ёрдами билан олдчиларига қўйилган мақсадга эришилади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу ўзбек миллий автомагистралининг таркибий қисми санал-

миш халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлининг тегишли қисмларида яна 87 км узунликдаги йўл жаҳон стандартларига мос сифатда қуриб битказилиши натижасида халқимизнинг узогини яқин, оғирини энгил қилишига замин яратди. Энг муҳими, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишига хизмат қилади. Вилоят мутасаддилари йўл қурилиши жараёнида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этишда ҳамкорликка тайёр эканликларини билдириши.

ЎЗ мухбиримиз.

СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

Республика Узбекистан

Проект: «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»
Поставка, установка и шеф-монтаж локального очистного сооружения (ЛОС)

и строительство сетей канализации

Форма финансирования: Истисна'а

ПРОЕКТ № УЗБ-1004

№ конкурсных торгов 2020-04

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на поставку, установку и шеф-монтаж локального очистного сооружения (ЛОС) и строительство сетей канализации в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для поставки, установки и шеф-монтажа ЛОС ёмкостью 25 м³ и строительства 434 п.м. сетей канализации в сельской местности Сырдарьинской области (**срок строительства составляет – 3 месяца**).

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленного Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

Сырдарьинская область	
Адрес: г. Гулистан, ул. Ахтамова, 30.	
Телефон: (67) 227-64-84.	
Факс: (67) 227-64-42.	

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письмен-

ного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка 1 БРВ (базовая расчётная величина).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счёт организатора конкурсных торгов – Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

Ниже представлены реквизиты его банковских счетов:

Сырдарьинская область	
Банк: Сырдарьинский филиал Национальный банк ВЭД	
P/c: 2021 0000 3038 3676 6001	
ИНН: 202 585 476	

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальном консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Тендерную гарантию требуется приложить к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов. Конкурсные предложения будут вскрываться по адресу, указанному в пункте 3.

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

ПРИГЛАШЕНИЕ № 2020 – 04 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ

Проект: «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

№ Лота	Наименование района	Наименование массива	Локальное очистное сооружение (ЛОС) ёмкостью 25 м³	Протяженность сетей канализации (п.м.)	Срок строительства	Крайний срок подачи
по Сырдарьинской области						
ИБР-107	Баяутский	«Янги хаёт»	1	434	3 месяца	30 октября 2020 года, 15.00
	Гулистанский	«Юлдуз»		434		

Требования к участникам конкурсных торгов

Область	№ Лота	Требуемый среднегодовой оборот (млн сум)	Требование к наличию финансовых ресурсов (млн сум)	Контракты аналогичного объёма и характера (млн сум)	Общий опыт работы (год)	Завершение поставок, установки и шеф-монтажа ЛОС не менее ___ единиц за последние 3 (три) года	Земляные работы в объёмах по крайней мере (м³)	Бетонные работы в объёмах по крайней мере (м³)	Завершение укладки сетей канализации из не металлических труб диаметром от 160 до 200 мм по одному контракту за последние 3 (три) года	
									со скоростью не менее ___ п.м. за один месяц	общей протяжённостью более ___ п.м.
Сырдарья	ИБР-107	1 000,00	200,00	500,00	3	3	200	10	500	1 000

СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

Республика Узбекистан

Проект: «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»
Поставка, установка и шеф-монтаж локального очистного сооружения (ЛОС)

и строительство сетей канализации

Форма финансирования: Истисна'а

ПРОЕКТ № УЗБ-1004

№ конкурсных торгов 2020-04

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на поставку, установку и шеф-монтаж локальных очистных сооружений (ЛОС) и строительство сетей канализации в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для поставки, установки и шеф-монтажа ЛОС ёмкостью по 50 м³ и строительства 2 349 п.м. сетей канализации в сельской местности Наманганской области (**срок строительства составляет – 4 месяца**).

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленного Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

Наманганская область	
Адрес: г. Наманган, ул. Навои, 22.	
Телефон: (69) 227-94-30.	
Факс: (69) 227-91-47.	

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письмен-

ного заявления на имя организатора торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка 1 БРВ (базовая расчётная величина).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счёт организатора конкурсных торгов – Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

Ниже представлены реквизиты его банковских счетов:

Наманганская область	
Банк: филиал Юккалши АKB «Hamkorbank»	
P/c: 2021 0000 8031 9675 2001	
ИНН: 202 393 842	

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальном консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Тендерную гарантию требуется приложить к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов. Конкурсные предложения будут вскрываться по адресу, указанному в пункте 3.

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

ПРИГЛАШЕНИЕ № 2020-04 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ

Проект: «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

№ Лота	Наименование района	Наименование массива	Локальное очистное сооружение (ЛОС) ёмкостью 50 м³	Протяженность сетей канализации (п.м.)	Срок строительства	Крайний срок подачи
по Наманганской области						
ИБР-96	Нарынский	«Бузулмас»	1	362	4 месяца	19 октября 2020 года, 14.00
	Чартакский	«Дустлик»		1 609		
	Янгикурганский	«Водий»		378		

Область	№ Лота	Требуемый среднегодовой оборот (млн сум)	Требование к наличию финансовых ресурсов (млн сум)	Контракты аналогичного объёма и характера (млн сум)	Общий опыт работы (год)	Завершение поставок, установки и шеф-монтажа ЛОС не менее ___ единиц за последние 3 (три) года	Земляные работы в объёмах по крайней мере (м³)	Бетонные работы в объёмах по крайней мере (м³)	Завершение укладки сетей канализации из не металлических труб диаметром от 160 до 200 мм по одному контракту за последние 3 (три) года	
									со скоростью не менее ___ п.м. за один месяц	общей протяжённостью более ___ п.м.
Наманган	ИБР-96	2800,00	500,00	1500,00	3	3	2000	100	1000	3000

Янги меҳмонхоналар кўпаймоқда

Юртимизда туризмни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар туфайли Самарқандга келадиган сайёҳлар оқими сезиларли даражада ошмоқда. Маълумотларга кўра, ўтган йили виллоятга бир миллиондан зиёд турист ташриф буюриб, уларнинг 300 нафарини хорижликлар ташкил этган.

2020 йил коронавирус пандемияси шароити юмшатишга боис қадимий шаҳар билан танишиш, кўҳна заминдаги бир-бирдан мафтункор, такрорланмас осори-атиқаларни зиёрат қилиш истагидаги сайр ишқибозлари сонини кўпайиб борапти. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудда зарур инфратузилмани яхшилаш, меҳмонларга барча қулайликларни яратишни тақозо этаётган. Зеро, сайёҳлик аввало, мезбонлик илтифоти, муносиб шароит ва хизмат сифати билан ўлчанишини унутмаслик лозим.

Республика Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Самарқанд виллояти ҳокимлиги шуни назарда тутиб, тарихий шаҳарда соҳани янада ривожлантиришга катта эътибор қаратяпти. Бу борада ўтган йили 95 та лойиҳа амалга оширилиб, 1033 ўринли меҳмонхона, 13 та ресторан ва кафе, 37 та турсератор хизмати ташкил этилди, туристик синфга мансуб автобус, микроавтобус, электромобиллар келтирилди. Булардан ташқари, меҳмонлар ҳалқини турмуш тарзи, яшаш шароити, манзарали масканлари билан танишиш мақсадида 916 меҳмонга мўлжалланган 102 та ҳостел ва оилавий меҳмон уйлари фаолиятини бошлади. Сайёҳлик салоҳиятини

янада ошириш, туристлар учун замон талабига монанд бўлган Самарқанд эшак эшик канали атрофида йирик туристик марказ қурилиши жадаллик билан олиб борилаётган. Мана, шундай хайрли юмушлар ишбилармонлар томонидан қўллаб-қувватланаётгани ва улар ўз улушини қўшишга интилиш сезаётгани, айниқса қувонарлидир.

Галина Петровна Циголониинг асли мутахассислиги мейморчилик. У 1984 йилда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тамомлаб, кўп йиллар шу соҳа бўйича ёш авлодга сабоқ берди, лойиҳа-режалаштириш ишларида қатнашди. Айни пайтда «Геотехнопроект» МЧЖда фаолият кўрсатиш билан бир қаторда, ўз чизмасига асосланган меҳмонхона қурилишига бош-қош.

– Ёлғиз ўғлим Германиядаги нуфузли идоралардан бирида ишламоқда. Мени ҳам чакирди, – дейди Галина Петровна. – Аммо туғилиб ўсган дийр меҳри бошқача. Шу ерда қолиб бирор юмуш билан шуғулланишга аҳд қилдим. Фарзандимни ҳам ватанпарвар қилиб тарбиялаганман, орузимга қанот бағишлади, топган сармоясини шу ерга сарфляпти. Ахир, Ўзбекистонда тад-



биркорлар учун барча эшиклар очик, Президент ёрдам қўлини чўзагач, бундай имкониятдан фойдаланмаслик мумкинми? Қўриб турганингиздек ажойиб қошона пайдо бўлмоқда. Касбим тақозоси билан унга Испаниядаги мусулмонлар яратган услуга монанд шарқона мейморчилик санъатини сингдириб юбордим. Сабаби ташриф буюрадиган меҳмон сайр қилиш, ҳордиқ ёзибгина қолмасдан, қадимий ёдгорликлар қаторида мейморчиликдаги бунгунги ютуқларимиздан ҳам ҳайратлансин. Худди шунингдек, Намозгоҳда Раҳимжон Султонов, Чашмада Санъат

ТУРИЗМ

Истиқлол шарофати билан жамиятимиз ривожига хотин-қизларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси қўшилмоқда.

Тадбиркор – жамиятга мададкор

Айниқса, кейинги тўрт йилда Президентимизнинг ташаббуслари билан аёлларга эътибор янада ортди. Эндиликда ҳар бир соҳада уларнинг ўрни яққол кўзга ташланмоқда. Ҳоҳ тарбия соҳасида бўлсин, ҳоҳ қурилишда ёхуд табиётда, аёлларнинг меҳнатлари қадрланиб, ҳукуматимиз томонидан муносиб рағбатлантирилиб борилапти.

Фидойи меҳнати, ташаббускорлиги, жамоасида оғури эътиборга эга бўлган ана шундай аёлларимиздан бири Жиззах виллоятининг Ғаллаорол туманида туғилган Замира Мустафоевадир. У ўрта мактабни тугатгандан сўнг урта касб-хунар билим юртида ўқиб, бухгалтерия мутахассислигини эгаллагач, соҳаси бўйича бир қанча жойларда ишлайди. Хусусан «Ситора-Сиевуш» хусусий корхонасини ташкил этиб, юртимизда жадаллик билан бораётган бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилди.

Мустақиллик шарофати билан бошқалар қатори унинг ҳам фаолиятини янада кенгайтиришга

имконият туғилди. Интилувчан, тадбиркор аёл фаолияти истиқболли қонунлар билан қопланган қизларимизга таяниб «Сарбадор қурилиш транс» хусусий корхонасини ташкил этди.

Тадбиркорнинг бизнес-режаси кенг қамровли бўлгани сабабли асосий эътибор баркамол авлод таълим-тарбия олаётган масканларга қаратилди. Шу боис, бу таълим масканларини таъмирлаш, замон талаби даражасида мослаштиришга киришиб, ўтган даврда З. Мустафоева раҳбарлик қилаётган корхона сайёҳаркати билан Бахмал туманидаги Саноят-қурилиш коллежи, 3-ўрта мактаб, 9-мактабга таълим ташкилоти капитал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Шулар баробарида, Жиззах шаҳрида бунёд этилаётган кўпжа янги иншоотларда бошқа қувувчилар қаторида у кишининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Нигора АБДУҚОДИРОВА,
Жаҳон тиллари университети
таълими.

Тарбиядан тарбиянинг фарқи бор

Мустиқликка эришганимизнинг дастлабки кезларида Биринчи Президентимизнинг илк Фармонларидан бири ўқитувчилар маошини оширишга, уларга етарли шароитлар яратиб, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга йўналтирилганди.

«...Иқтисодий оғир жараённи бошидан кечирган давлатда ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб бундай дадил қадам ташлангани халқнинг келажаги порлоқ бўлишидан далolatдир», деган мазмундаги мақолалар Россия ва қўшни давлатларнинг бир қатор матбуотларида чоп этилгани кечгадэй ёдимизда турибди.

Ўқитувчилар шурида изланиш, ташаббускорлик ва ўз соҳасини пухта билиш ақидалари кенг шакллана боргани учун ҳам йилдан-йилга муаммолар барҳам топиб, тизимда ижобий самаралар яққол кўзга ташланипти. Ўтган даврда мактаб ва коллежларни битирган минглаб ёшлар нафақат ўзимизда, балки дунёнинг энг номдор университетларида ҳам тахсил олишга муяссар бўлишмоқда. Бунинг замирида аввало, давлатимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги бўлса, шунингдек, ўқитувчи ҳамда мураббийларнинг машаққатли меҳнати, таълимга янгича ёндашувларнинг устуворлигини эътироф этиш керак.

Яна бир нарса – муаллимлар ўртасида турли танлов ва бошқа тадбирлар республика миқёсида ўтказилганга, уларни саралаб, давлат даражасида рағбатлантирилагани ҳам баркамол авлод таълим-тарбиясини рисоладагидек шакллантиришнинг бош омилларидан бири бўлаётди. Агар эътибор берилса, шу кунгача «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши тарбиячиси», «Энг илғор ўқитувчи» сингари бир қатор танловларнинг ғолиблари сифатида кўпгаб ўқитувчилар элга танилди, уларнинг иш тажрибалари омалаштирилиб, ҳаммаслари фаолиятида асқотмоқда.

Сирасини айтганда, келажагимиз ворислари таълим олиб, тарбия топаётган мактаблар ҳам, бу жойларда меҳнат қилаётган муаллимлар ҳам энди аввалгилардан катта фарқ қилади. Хукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор Фармон ва қарорлар, хусусан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонун тизимни бозор муносабатларига мослаштиришга ҳамда ислохотларни изчил соҳага татбиқ этишга шароит яратиб бергани самарасидир бу.

Аммо фарзандларимиз таълим олаётган ана шу масканларда шундай муаммолар ҳам борки, улар келажакни ўйлайдиган ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмас керак. Эндиликда бу камчиликлар нафақат шаҳар мактабларида, балки қишлоқлардаги илмгоҳларда ҳам тобора кўзга ташланиб қолмоқда. Яъни ҳозирги кунда исталган мактабга борсангиз, ўқитувчиларнинг асосий қисми хотин-қизлардан иборатлигини кўрасиз. Бу ўринда ўзимиз ва фарзандларимизнинг шурига меҳр бағишлаб, дунёни теран англашимизга кўпдан кўп ҳисса қўшаётган муаллимларнинг дилини ранжитишдан йироқми. Аксинча, уларнинг бошланғич синфдан тортиб, токи юқори синфларда ҳам қалб кўрини бағишлаб ўтаётган дарс сабоқлари тозабод онгимизда муҳрланади. Лекин мактаб босқичида таълим-тарбиянинг ўй-ўнлаштирилган ҳолда, биргаликда олиб борилиши аждодларимиз қолдирган ўғитлардан ҳам аён. Шундай бўлса-да, таълим ва тарбияда узлуксизлик борасида жиддий кемтиклик бор.

Ўқиш жараёнида ҳулқ-атворимизнинг янада шаклланишида, оила бошлиқлари берган тарбия-

нинг мактабда олинаётгани билан уйғунашишида эркак ўқитувчиларнинг ҳиссаси беқиёслигини ҳеч ким инкор қилолмас керак. Буни ўлғайиб, ҳаётга учирма бўлгач, ҳар бир босган қадамимиз ва бажараётган ишимизда уларнинг ўғитлари қулоқларимиз остида жаранглаб турганини ҳис қилганда янада чуқур англаймиз. Қолаверса, хато иш қилиб қўйсақ, улар қаттиққўллик ҳамда кўнгилчанликка берилмай ўз ўрнида тегишли чора-тадбирлар қўллашган.

Ишонч билан айтиш мумкинки, муаллимларнинг аксариятида кўнгилчанлик бор, қаттиққўллик қилишда ўқитувчиликка нисбатан оналик меҳри устун бўлиши шубҳасиз. Айни пайтда ўқувчилар муаллимнинг ана шу хислатидан усталик билан фойдаланишга интилади, дарсларини ўзлаштириши мумкин, лекин унинг тарбия борасидаги панд-насихатларига қулоқ тутмайди, чунки кўнгилчанлигини яхши билади.

Шу ўринда бир мисол. Ўзим ашайдиган Сергели туманидаги «Дўстлик-2» маҳалласидан бир оилани биламан. Оиланинг уч нафар фарзанди мактабда ўқишади. Ўқитувчисининг таъкидлашича, барчаси фанларни ўртаҳол ўзлаштиришмоқда. Бироқ тарбия соҳасида бирортаси ҳам талабга жавоб бермайди, дарсларда бошқаларга зиён етказишади. Оила бошлиқлари эса «тирикчилик» деб бозордан бушамайди. Унинг айтишича, яқинда отасини мактабга қақиртириб, фарзандларининг ҳулқ-атворини муҳокама қилган экан, оила бошлиғи бу муаммони ҳал этишга ҳаракат қилиш ўрнига «Бу масалада сизлар жавобгар, бунинг учун давлат сизларга маош тўлаяпти», деб дағдаға қилибди. Энг ёмони, мана шу воқеа ўқувчилар кўз ўнгиде бўлган.

Бироз аввал Шаҳрисабз туманидаги ўзим ўқиган мактабда бўлгандим. Ўқитувчилар хонасидаги йиғилишга таклиф қилишди. Зимдан разм солсам, катта жамоанинг саксон фоизи

муаллимларни ташкил этаркан. Кейинроқ бу ҳақда мактаб директори изоҳ берди. Унинг айтишича, ўн йил аввал жамоада эркак ўқитувчилар кўпчилик бўлган экан. Лекин ойлик маош бошқаларникига қараганда анча яхши бўлса-да, негадир мўмай даромадли бўлишни ҳавас қилиб, бошқа юртларга иш қидириб кетиб қолишибди. Мактаб раҳбари уларни бу йўлдан қайтармоқчи бўлганда, «ўқитувчилик хотин-қизларга хос иш», дейишганмиш.

Асосий масала, мактаб ва таълим-тарбияда эркак ўқитувчиларнинг тутган ўрни, улар бу даргоҳларда камайиб бораётгани хусусида экан, бу борада муҳим бир масалага эътибор қаратиш даркор. Илгарилари ўқитувчиларни тайёрлашга ихтисослашган олий ўқув юртлари нисбатан камроқ эди. Ҳозирги кунда Тошкент, Андижон, Бухоро, Гулистон, Қорақалпоғистон Республикаси, Қўқон, Навоий, Қарши давлат университетлари, Жиззах педагогика институтиде барча фанлар бўйича кадрлар етиштириш баробарида юртимиздаги бошқа олий таълим муассасаларида ҳам ўқитувчилар тайёрлашга ихтисослашган факультетлар фаолият олиб бормоқда.

Айтиш мумкинки, ана шу олий даргоҳларни ҳар йили турли фанлар бўйича минглаб ёш мутахассислар, шу жумладан, йигитлар битириб чиқаятгани аниқ. Улар шу даражага етиб, ўқитувчи деган улуг мақомни олганларича, ўтган тўрт-беш йил давомида давлатимизнинг қанчадан-қанча маблағи сарфланмоқда. Масалага шу жиҳатдан ёндашилса, олий даргоҳларни битириб чиқаятган йигитлар, яъни ёш ўқитувчилар қаёққа кетяпти ёки нега мактабларга боришмаяпти? Мавжуд олий ўқув юртларининг мақсади педагог кадрлар-

ни тайёрлашда квота бўйича белгиланган режани бажариши ёки сифатли кадрларни етиштириб, уларни жой-жойга қўйиши, деган савол атрофида бугун сизу биз фикр юритмасак, ким фикр юртади. Фарзандларимизни ўқитаётган мактаблар қачон ёш мутахассислар – эркак ўқитувчилар билан тўла таъминланади.

Мавзу билан бевосита боғлиқ бўлган мана бу мисол ҳам кўпчиликни ўйлантириб қўйиши табиий бўлса керак. Ҳозирги кунда бошқа вилоятларни билмадигу, биргина Тошкент шаҳрида 300 дан ортиқ умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда салкам 18 минг нафар ўқитувчи ва мураббийлар турли фанлардан сабоқ беришади. Бу рақамнинг атиги 3 минг нафарга яқини айтмоқчи бўлганимиз – эркак ўқитувчилардир.

Таълим ва тарбияда кемтиклик бўлган жойда ўқувчи ўзини бошқа йўналишларга, жумладан, ноқонуний фаолиятларга уришга ҳаракат қилади. Бу жиҳатдан психологларнинг айтишларича, бола мактабда ўқиган ва ўрганганидан кўра, кўчада кўрганларига, айниқса, ёмон иллатларга тақлид қилиб, уларни ўзда ҳам синаб кўришга интилади. Бундай пайтда оила бошлиқлари ва мактаб ўқитувчилари унинг бу ҳолатини вақтида пайқаб қолса, тўғри йўлга бошлаб, кези келса, қаттиқ танбёҳ орқали тарбиясини шакллантиради. Бу жараёнда, албатта, эркак ўқитувчининг иштироки бўлса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Нима бўлганда ҳам ушбу мавзунинг кўтаришдан мақсадимиз битта – баркамол авлоднинг эртанги тақдирини бугун ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги лозим.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Газетанинг навбатдаги сони 2020 йил 6 октябрь кунини чиқади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ХУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

бугун Ўзбекистон аҳлини, жумладан, таълим соҳасида меҳнат қилаётган юртдошларимизни умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини билан чин дилдан қутлайди. Келажакимиз ворислари бўлиши ёш авлодга билим ва тарбия беришдек масъулиятли ишингизда Сизларга куч-қувват ва муваффақият тилаймиз, азиз устозлар! Байрамона кайфият доимий ҳамроҳингиз бўлсин!



АЙЁМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ХУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

мамакатимизнинг порлоқ келажаги учун ҳар тарафлама етук кадрлар етиштириш йўлида ёшларга билим ва тарбия бераётган барча устозларни

**1 октябрь –
Ўқитувчи ва
мураббийлар кунини**

билан самимий табриклайди. Уларнинг машаққатли ва шарафли меҳнатларида куч-қувват, янги зафарлар ҳамда шогирдлар камолини кўриб юришларини тилайди. Хонадонингиздан хотиржамлик, файзу барака асло аримсан, ҳаминша меҳнатингиз роҳатини кўриб юринг, азиз устозлар!



O'ZBEKISTON BUNYODKORI
Ўзбекистон бунёдкори
Строитель Узбекистана

Тахрир хайъати:
Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Козим Тўлаев, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Тахририят:
Бош муҳаррир
Бош муҳаррир ўринбосари
Саҳифаловчи
Мусоҳиҳ

Дилшод Жалолов
Абдусами Ҳақбердиев
Акмал Махкамов
Райҳон Таниқулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Узсанотқурилишматериаллари» уюшмаси,
«УзГАСҲИЛИТИ» ДУК, «УзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ,
«УзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (қўлиёти), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbulnyodkori@gmail.uz

Вилоят муҳбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва
Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва
Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси – 466. Бўйртма – Г-953.
2136 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди
ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди
ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа
ақшадорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Тўрон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.
Навбатчи – Б. Ғўлямов.
Ўза яқини – 22.10.Топширилди – 23.00.